



ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жумақулов Озодбек

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0000-7667-7702

ojumakulov.97@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва жозибадорлигини оширишда инвестиция муҳитининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш иқтисодий ривожланиш соҳасида энг муҳим вазифалардан бири эканлигини ўрганилиб тегишли таклиф ва ҳулосалар берилди.

Калит сўзлар: инвестиция, иқтисодиёт, иқтисодий, салоҳият, инвестиция муҳити, сифат кўрсаткичи, ўсиш суръати, инвестор.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ФИНАНСОВЫХ МЕХАНИЗМОВ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ

Жумақулов Озодбек

Самарқандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье особое внимание уделено специфическим особенностям инвестиционной среды в развитии и привлекательности экономики нашей страны. Сегодня активизация привлечения инвестиций в экономику нашей страны, создание благоприятных условий для привлечения инвестиций, внедрение практических механизмов их правовой защиты и дальнейшее улучшение инвестиционной среды является одной из важнейших задач в сфере экономического развития.

Ключевые слова: инвестиции, экономика, экономика, потенциал, инвестиционный климат, показатель качества, темпы роста, инвестор.

IMPROVING FINANCIAL MECHANISMS FOR ENSURING INVESTMENTS IN ECONOMIC DEVELOPMENT

Jumakulov Ozodbek

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article pays special attention to the specific features of the investment environment in the development and attractiveness of the economy of our country. Today, intensifying the attraction of investments into the economy of our country, creating favorable conditions for attracting investments, introducing practical mechanisms for their legal protection and further improving the investment environment is one of the most important tasks in the field of economic development.

Key words: investment, economics, economics, potential, investment climate, quality indicator, growth rate, investor.

Кириш.

Ўзбекистон – Марказий Осиё минтақасида жадал суръат билан ривожланиб бораётган давлат бўлиб ҳисобланади. Исталган соҳани олиб қаранг мустақил тараққиёт йўлига, изчил ривожланишга асосланган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини кўриш мумкин бўлади. Шаҳар ва қишлоқларда барпо этилаётган замонавий яшаш жойлари, иншоотлар, хизмат кўрсатиш объектлари, аҳоли турар жойлари юртимизда қисқа вақт ичида катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганлигини тасдиқлайди. Мамлакатимизнинг турли соҳаларида ўрганишга арзийдиган ютуқлари кўп, ушбу ютуқлар замирини чуқурроқ таҳлил қилганимизда уларнинг асосида ушбу тизим ривожини учун киритилаётган инвестициялар алоҳида аҳамиятга молик эканлигига ҳеч биримизга сир эмас.

Мамлакатимизда иқтисодий ижтимоий салоҳиятни ошириш орқали туб аҳолини муносиб турмуш даражаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун эса улар ўз иқтисодиётини мунтазам модернизация қилиб боришга мажбурдирлар. Чунки глобаллашув жараёнлари жадаллашиб бораётган бугунги кунда дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш ва кучли рақобатга бардош берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва янги хизматлар турларини яратишни ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни инновациялар асосида такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Республикамизда инвестиция муҳитини жозибadorлигини таъминлашнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш масалалари Зайналов (2020), Ангелиди (2000), Мустафақулов (2017), Махмудова (2010), Умаров (2008), Шарифхўжаев (1998), Юлдашев (2001), Ҳайдаров (2003), Ғозибеков (2003), Имомов (2011), Ғуломов (1992), Эргашев (2018) ва бошқаларнинг илмий ишларида алоҳида ўрин тутди.

Мустафақулов (2017) мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, инвестиция фаоллигининг ўсиш суръатлари инвестиция муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Инвестицияларни республика иқтисодиётига жалб этиш учун зарурий шарт-шароитлар яратилиши муҳимдир, у, қачонки, қайси мамлакатда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд (ижобий) бўлсагина ўша давлат иқтисодиётига қўйилиши мумкин. Инвестиция муҳитининг жозибadorлиги хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Иқтисодчи-олимлардан Вахабов, Хажибакиев, Муминовлар (2010) инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтадилар: “Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгиладиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга”. Шунингдек, мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи инвестиция муҳитини англади.

“Инвестиция муҳити” ва “инвестиция иқлими” синоним тушунчалар сифатида ишлатилади. Бу хусусда иқтисодчи-олимлардан Ғозибеков ва Қоралиевлар (2007) томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: “Инвестиция иқлими жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинadиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади”.

Шу ўринда, мақбул инвестиция муҳити тушунчасига тавсиф бериб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мақбул инвестиция муҳити – бу инвестиция фаолиятини амалга оширишда давлат томонидан маҳаллий ва чет эллик инвесторлар учун яратилган ўзига хос бир хилдаги ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар тизимидир.

Айтиш жоизки Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда Республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас. Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларни ҳуқуқий җимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш ба инвестицион муҳитни янада яхшилаш иқтисодий ривожланиш соҳасида энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларни жалб этишнинг назарий жиҳатлари ёритиб берилган бўлсада, бироқ мамлакатимиз иқтисодиётини инвестиция муҳитини жозибадорлигини таъминлашнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш масалалари чуқур ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга оширишда услубий асос сифатида молиявий ва иқтисодий таҳлилнинг бир қатор усулларидан фойдаланилди. Хусусан, иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, қиёсий таҳлил, монографик тадқиқот, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, индукция ва дедукция ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Муаян мамлакат иқтисодиётининг инвестиция муҳитига баҳо беришда инвестицияларнинг нафақат ҳажми ёки миқдор кўрсаткичларига шу билан бирга, уларнинг сифат кўрсаткичларига (шакли, тури, ижтимоий-иқтисодий самараси ва бош.) ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Агар иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларидан республикага жалб қилинган ва ўзлаштирилган инвестицияларнинг аксарияти бевосита давлат иштирокидаги инвестицияларни ташкил этган бўлса, бугунги кунда билвосита, яъни тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Биргина 2020 йил якунлари бўйича молиявий ҳисобнинг манфий сальдоси 4,0 млрд. долларни ташкил этди (2019 йилга нисбатан пасайиш 1,0 млрд. доллар). Молиявий ҳисоб дефицитининг сақланиб қолишига асосий сабаб кредитлар ва қарзлар бўйича норезидентлар олдидаги мажбуриятларни 7,1 млрд. долларга (шундан 3,3 млрд. доллар давлат секторига тўғри келмоқда), тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 1,7 млрд. долларга ортиши ҳамда давлат ва банк секторлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар эвазига портфель инвестицияларнинг 1,4 млрд. долларга ўсишига сабаб бўлди.

Жорий йилда халқаро захира активлари операциялари бўйича номонетар олтин сотилиши ҳисобига валюта компонентида 1,8 млрд. доллар миқдоридagi сезиларли ўсиш кузатилди. Бундай иқтисодий ўсишнинг омиллари сифатида мамлакатда яратилган инвестиция муҳитининг ўзига хос тавсифларини келтириб ўтиш мумкин. Уларга ҳуқуқий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллардан иборат бўлган комплекс тавсифлари киради. Хусусан ҳуқуқий тавсифлардаги омилга эътибор қаратадиган

бўлсак биргина жорий йил давомида ушбу йўналишдаги сай-ҳаракатлар яна иккита муҳим ҳужжат билан такомиллаштирилди.

Жумладан, мамлакатимизда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусан мулкни ҳар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинди.

Мазкур ҳуқуқий омиллар шубҳасиз инвестиция муҳитини янада қулай ва жозибador қилишга ижобий ижобий таъсир кўрсатади. Мана шундай ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий тавсуфдаги омилларни туман, шаҳар ва вилоятлар кесимида янада ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятлари ҳам жуда кенг. Улар ўз моҳият эътибори жиҳатидан кластер хусусиятига эга бўлган тасниф ва тавсифларни ўз ичига олади. Ушбу тавсиф ва таснифлар, ўз навбатида, иқтисодий фаолиятнинг якуний натижаларига, яъни тадбиркорлик субъектлари фаолиятида эришилаётган ва кутилаётган натижалар самарадорлигига боғлиқ.

Мана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, амалга оширилаётган чора тадбирлар ва эришилаётган натижалар “Мақбул инвестиция муҳити”нинг мезонларига сезиларли даражада таъсир қилмаяпти, бу эса, уларни янада фаоллаштириш салоҳияти ва имкониятлари ҳали мавжуд эканлигидан дарак беради. Бунинг учун, энг аввало, инвестиция жозибadorлигини таъминловчи мезонларга туман, шаҳар ва вилоятлар кесимида янада аниқлик киритиш ҳамда шу асосда “Мақбул инвестиция муҳити”ни шакллантиришнинг концептуал асосларини яратиш масаласини кўриб чиқиш лозим. Мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш давлат сиёсатининг муҳим, шартларидан бири бўлиб, республикадаги туман, шаҳар ва вилоятларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта таъминлаш, улар ўртасида рақобат муҳитини фаоллаштириш бозор инфратузилмасини такомиллаштириш каби устувор масалаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Мазкур устувор масалаларни комбинацион ечими ва уларнинг самараси юқорида қайд қилинган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар таснифи ва тавсифининг худудлар бўйича табақалаштирилган ҳолда қабул қилинадиган чора тадбирлар режасига боғлиқ. Демак мақбул инвестиция муҳитининг ўзига хос жозибаси ва ҳаётийлиги юқоридаги омилларнинг таъсирида шаклланиб ривожланар экан, уни илмий-амалий нуқтаи назардан ўрганиш тадқиқ этиш ва мазмун миҳиятини очиб бериш шу даврнинг муҳим вазифалари қаторига киради.

Бир қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг хулосаларида муайян мамлакатда яратилган инвестиция муҳити инвесторлар учун фақат “фойда” келтириши лозимлиги таъкидланади. Бир тарафдан, ушбу мантиқ инвестиция муҳити учун тўғри туюлади, аммо бошқа тарафдан, яъни, инвестор фаолияти нуқтаи назаридан ушбу хулоса билан муроса қилиш қийин. Мақбул инвеститция муҳитини яратиб бериш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Агар инвестор ўз ишини профессионал даражада яхши ташкил этмаса, у халқаро бозорда рақобатбардош бўла олмайди. Фикримизча мақбул инвестиция муҳити шароитида ўз фаолиятини барқарор даражада таъминлай олмаган ҳар қандай инвесторни бундай муҳитга қайта қўшилиши (азоси бўлиши)ни чекловчи “Ишончсиз инвестор” ахборот базасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда инвестицион муҳитни янада тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг жаҳон амалиётидан фойдаланиш ва шу асосда мамлакатнинг халқаро рейтингини янада кўтариш борасида изчил комплекс чора - тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида ўзгаришлар таркибий ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Бундай ислоҳатларнинг олиб борилиши бевосита мамлакатдаги инвестицион жараён, давлатнинг инвестицион сиёсати унинг устувор йўналишлари ва мамлакатдаги корхоналар инвестицион фаоллигига боғлиқ. Сўнгги йилларда мамлакатимизда инвестицион фаолиятни ошириш уни кучайтириш борасида қатор амалий чора – тадбирлар ўтказилди инвестицион фаолиятни тартибга солиб турувчи қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш, инвестицияларни янда кенгроқ миқёсда жалб қилиш, инвесторлар ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида бугунги кунда қонунчилигимиз асосида улар учун бир қатор имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Хусусан:

-хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар;

-кўрилган зарарлари қопланиши учун кафолатлар;

-солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;

-фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;

-миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш фаолияти;

-божхона имтиёзларининг мавжудлиги;

-хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги ва бошқалар.

Натижада мамлакатимизнинг инвестицион жозибadorлиги ошиб бормоқда. Уни янада ошириш борасида турли амалий ишлар қилинмоқдаки, бу яқин йиллар ичида ўз самарасини беради.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг хорижлик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мамлакатда чет эллик сармоядорларнинг муваффақиятли ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилганидан ёрқин далолат беради. Хорижий инвесторлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик яхши самаралар бермоқда. Ўзбекистонда хорижий инвесторлар ишончини мустақкамлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Мамлакатимизнинг давлат инвестиция сиёсати узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган бўлиб, инвесторларнинг самарали ишлаши учун зарур барча шароитларни яратиб бериш учун ишлаб чиқилган. Ўзбекистоннинг демографик жиҳатдан қулай жойда жойлашганлиги, транспорт тармоғининг ривожланганлиги, табиий ресурсларнинг кўплиги, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилманинг юқори даражада тараққий этганлиги, малакали кадрларнинг мавжудлиги ва бошқа бир нечта омиллар инвесторларга мамлакатимиз келажагига ишонч билан қараш имконини бермоқда.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Jumaqulov, O. (2023). ERKIN IQTISODIY ZONALAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH VA INVESTITSİYALARNI JALB QILISH MASALALARI. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 1(7), 80-83.

Ozodbek, J. (2023). CREATING AN ACCEPTABLE INVESTMENT ENVIRONMENT IS ONE OF THE IMPORTANT CONDITIONS OF STATE POLICY. *British View*, 8(4).

Ozodbek, J. (2023). IN THE INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE REGIONAL ECONOMY FOREIGN EXPERIENCE. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(7), 146-151.

Safarov, Bahodirhon, and Djumaqulov O. Sh. "Tourism industry development is increasing, new jobs will increase incomes and living standards." *Аpxуваруyc 2* (47) (2020): 105-107.

Shukhratovch, J. O. (2023). INVESTMENTS IN INFRASTRUCTURE DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN: TRANSPORT NETWORKS, ENERGY, AND COMMUNICATIONS. IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIIY JURNALI, 3(5), 209-227.

Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. (2000) Анализ инвестиционных проектов: Учеб. пос. – Т.: Финансовый институт, – 88 с.

Вахабов А.В., Хажикабиев Ш.Х., Муминов Н.Г. (2010) Хорижий инвестициялар. Ўқув кўлланма. – Т.: «Молия», – Б. 153.

Ғозибеков Д.Г. (2003) Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, – 330 б.

Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. (2007) Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иқтисод-молия», – 92 б.

Ғулломов С.С., Барбакадзе М. (1992) Худудий тизимларни оптималлаштириш моделлари ва усуллари. Т.: Ўқитувчи, – 208 б.

Зайналов Ж.Р., Алиева С.С. ва бошқалар: (2020) Инвестиция. Дарслик. –Т.: "Иқтисод-молия", -480 б.

Имомов Х.Х. (2011) Инвестицион муҳитни яхшилаш ва уни жозибadorлигини оширишни молиявий асослари. и.ф.н. илм. дара. олиш учун ёзилган диссер. автореферати. –Тошкент, БМА. – 22 б.

Махмудова Г.Н. (2010) Аграр соҳани инвестициялаш самарadorлигини ошириш йўналишлари. И.ф.н. илм. дара. олиш учун ёзилган диссер. автореферати. –Тошкент, БМА. –21 б.

Мустафақулов Ш.И. (2017) Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Илмий-амалий кўлланма. –Тошкент:Vaktria press, -320 б.

Мустафақулов Ш.И. (2017) Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмийуслугий асосларини такомиллаштириш. Автореферат, –Т.: -68 б.

Умаров С. (2008) Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш. и.ф.н. илм. дара. олиш учун ёзилган диссер. автореферати. – Тошкент, БМА. – 22 б.

Ҳайдаров Н.Ҳ. (2003) Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: Иқтисод фанлари доктори. дисс. автореф. – Т., – 42 б.

Шарифходжаев М. (1998) Государства на новом этапе инвестиционной деятельности. // Экономика и статистика. - №8. – с. 22

Эргашев А.Ҳ. (2018) Худудларнинг инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш истиқболлари (Фарғона вилояти мисолида) и.ф.д. ил. дар. ол. учун ёзил. дисс. авт.: –Т.: БМА. -30 б.

Юлдашев Ш.Г. (2001) Иностранные инвестиции как фактор экономического роста и либерализации национального воспроизводства Республики Узбекистан: Автореф. дисс. докт. экон. наук. –Т., – 37 с.